

Бақара сураси, 49-оят

09:06 / 29.08.2017 2908

Сизни ёмон азобларга солиб, ўғилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдираётган Оли Фиръавндан қутқарганимизни эсланг! Ана ўшанда Роббингиздан буюк синов бордир. Бақара 49.

Араб тилидаги «Ол» сўзи «аҳл» сўзининг ўзгартирилган сийфаси бўлиб, ундан бир кишининг яқинлари, қариндошлари, хизматчилари, унга боғлиқ кишилар ва эргашганлар ирода қилинади. «Оли Фиръавн» деганда унинг оила аъзолари, яқинлари, аскарлари ва вакиллари тушунилади. «Ол» сўзи дунёвий шарафга эга бўлган одамларга нисбатан ишлатилади. Масалан, «Оли Макка» дейилмайди, балки «Аҳли Макка» дейилади. Фиръавн катта подшоҳ бўлганлиги учун унга мансуб кишиларни ҳам «Оли Фиръавн» деб аталган.

Фиръавн – қадимги Миср подшоҳининг лақаби. Яъни ким Мисрга подшоҳ бўлса, Фиръавн бўлар эди. Аслида ота-онаси томонидан қўйилган исми бошқа бўлади. «Оли Фиръавн» дегани «Фиръавннинг одамлари» демакдир. Оятда келган «ёмон азоблар» ибораси Фиръавн уларни доимо азоб-уқубатда ушлаб турганига далолатдир. Масалан, Бану Исроилда туғилган ўғил болаларни ўлдириб, қизларни тирик қолдириш ҳам улкан бир азоб. Шу билан бирга, оятда ўша ишлар Аллоҳнинг бир синови экани айтиб ўтиляпти. Бандаларнинг бошига оғир кунлар тушиши имтиҳон ва синовдир. Қийин аҳволда қолган одам Аллоҳнинг синовидан ўтаётганини ўзи билса, машаққати зое кетмайди. Ундан фойда олади. Қийинчиликлар осон туюлади, уларни осон енгиб ўтади. Вақтинчалик машаққат бу дунё ишларида тажриба, ибрат ва охират учун савоб тўплаш мавсуми бўлади. Чунки қийинчиликдаги одам доимо Аллоҳга тазарру қилиб, сабр ила кушойишни кутади.